



**ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ**

**Проект**

**IDORALARNING BUYRUQ YOKI QARORI**

**Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари”га  
(ЎзР АҚ-198) ўзгартеришлар киритиш тўғрисида**

**IHL-1761/22**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**

**Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари”га  
(ЎзР АҚ-198) ўзгартеришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукукий ҳужжатларни ИКАО стандартлари ва тавсияларини инобаттга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида, буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 24 августдаги 131-сон буйруги (рўйхат рақами 1721, 2007 йил 25 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари”га (ЎзР АҚ-198) иловага мувофиқ ўзгартеришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
транспорт вазирининг  
2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ -сон  
буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво  
транспортида ташиш қоидалари” (ЎзР АҚ-198)га киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рўйхати бўйича тартиб рақами - буюм ёки моддали буюмлар ёки моддаларнинг маълум бир гуруҳини аниқлаш учун БМТнинг хавфли юкларни ташиш бўйича эксперталар қўмитаси ва кимёвий моддаларни таснифлаш ва маркалашнинг глобал уйғунлаштирилган тизими томонидан тайинланган тўрт хонали рақам.”;**

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“йўловчи ҳаво кемаси - экипаж аъзоси, ўз хизмат мажбуриятларини бажараётган эксплуатант ходим, тегишли миллий органнинг ваколатли вакилини ёки юк ва бошқа юкларни кузатиб борувчи ходимдан бошқа ҳар қандай шахсни ташийдиган ҳаво кемаси.”;**

ўн еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“хавфли юклар – соғлик, хавфсизлик, мулк ва атроф – муҳит учун хавф туғдириши мумкин бўлган ва Техник йўриқномада хавфли юклар рўйхатига киритилиб ва ушбу Техник йўриқномага мувофиқ таснифланган буюмлар ёки моддалар.”;**

йигирма биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“юк ўрни – ташиш учун тайёрланган, ўраш тўпламаси ва унинг ичидагилардан иборат бўлган юкни жойлаш бўйича амалларнинг пировард маҳсулоти.”.**